



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 10 - noyabr

VI-38-51-11-161-K/21

O'zbekiston tuman hokimligi

Туман ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш ва айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг номини ўзгартириш тўғрисида

Тумандаги “Мингтут”, “Ўрта қишлоқ”, “Даштчўлпон” ва “Қораёзбобо” маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллар йиғилиши томонидан фуқароларнинг илтимосномасига асосан маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида қишлоқларни географик жойлашиш тартибига кўра янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш ҳамда “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш юзасидан таклифлар билдирилган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*)га, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.03.2014 йил кунги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда; 2017 й., 35-сон, 931-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2019 й., 09/19/302/2924-сон*)га, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон*)га мувофиқ, тумандаги “Мингтут”, “Ўрта қишлоқ”, “Даштчўлпон”, “Қораёзбобо” ва “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномаси, вакиллар йиғилиши қарорини кўриб чиқиб,

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (*Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон*)нинг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тумандаги “Мингтут” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 21 январ кунги 4-сонли “Мингтут МФЙ тассаруфига кирувчи Мингтут, Шукрона, Янги Хаёт, Янги

авлод, Хасанобод, Тараққиёт, Умр боқий, кўчаларини жойлашиш тартибига кўра иккита алоҳида МФЙларга бўлиш тўғрисида”ги Илтимосномаси, Илтимосномага мувофиқ “Мингтут” маҳалла фуқаролар вакиллар йиғилишининг 2021 йил 26 январ кунги 3-сонли қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Янги Хаёт, Янги авлод, Хасанобод, Умр боқий, Тараққиёт кўчалари аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари;

- тумандаги “Даштчўлпон” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 26 январь кунги “Даштчўлпон” МФЙ тасарруфига кирувчи Даштчўлпон, Даштхасан, Бобоҳўжа кўчаларини жойлашиш тартибига кўра иккита алоҳида МФЙларга бўлиш тўғрисида”ги Илтимосномаси, Илтимосномага мувофиқ “Даштчўлпон” маҳалла фуқаролар Кенгашининг 2021 йил 21 январь кунги қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Даштхасан қишлоғи аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари;

- тумандаги “Қораёзбобо” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудда 1082 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 21 январь кунги “Қораёзбобо” МФЙ тасарруфига кирувчи Қораёзбобо, Маллахон, Бешкапа бало, Бешкапа поён, қишлоқларини жойлашиш тартибига кўра иккита алоҳида МФЙларга бўлиш тўғрисида”ги Илтимосномаси, Илтимосномага мувофиқ “Қораёзбобо” маҳалла фуқаролар Кенгашининг 2020 йил 21 январь кунги қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Бешкапа бола ва Бешкапа поён қишлоқлари аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маълумот учун қабул қилинсин;

- тумандаги “Ўрта қишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудда 1266 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 28 январь кунги “Ўрта қишлоқ” МФЙ тасарруфига кирувчи Ўрта қишлоқ, Қум қишлоқ, Тош қишлоқ ва Сулаймон қишлоқларини жойлашиш тартибига кўра иккита алоҳида МФЙларга бўлиш тўғрисида”ги Илтимосномаси, Илтимосномага мувофиқ “Ўрта қишлоқ” маҳалла фуқаролар Кенгашининг 2020 йил 19 январь кунги 2-сонли қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Сулаймон қишлоғининг аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Тумандаги “Мингтут” маҳалла фуқаролар Кенгашининг ҳудудда 1208 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 26 январ кунги 3-сонли қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Янги Хаёт, Янги авлод, Хасанобод, Умр боқий, Тараққиёт кўчалари аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш, мазкур янги маҳалла фуқаролар йиғинига “Тараққиёт” номини бериш тўғрисидаги таклифлари ҳамда кадастр агентлиги туман бўлими томонидан ишлаб чиқилган янги схематик хариталар маъқуллансин ва тасдиқлансин;

3. Тумандаги “Даштчўлпон” маҳалла фуқаролар Кенгашининг ҳудудда 1088 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 21 январ кунги қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Даштхасан кўчасининг аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш, мазкур янги маҳалла фуқаролар йиғинига “Даштхасан” номини бериш тўғрисидаги таклифлари ҳамда кадастр агентлиги туман бўлими томонидан ишлаб чиқилган янги схематик хариталар маъқуллансин ва тасдиқлансин;

4. Тумандаги “Қораёзбобо” маҳалла фуқаролар Кенгашининг ҳудудда 1082 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 20 январ кунги қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Бешкапа бола ва Бешкапа поён кўчаларининг аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш, мазкур янги маҳалла фуқаролар йиғинига “Бешкапа” номини бериш тўғрисидаги таклифлари ҳамда кадастр агентлиги туман бўлими томонидан ишлаб чиқилган янги схематик хариталар маъқуллансин ва тасдиқлансин;

5. Тумандаги “Ўрта қишлоқ” маҳалла фуқаролар Кенгашининг ҳудудда 1266 та хонадон бўлганлиги муносабати билан 2021 йил 19 январ кунги 2-сонли қарорига асосан МФЙ ҳудудидаги Сулаймон қишлоғининг аҳоли бириктирилган қисмида алоҳида МФЙ ташкил этиш, мазкур янги маҳалла фуқаролар йиғинига “Сулаймон” номини бериш тўғрисидаги таклифлари ҳамда кадастр агентлиги туман бўлими томонидан ишлаб чиқилган янги схематик хариталар маъқуллансин ва тасдиқлансин;

6. Нурафшон МФЙ вакиллар кенгашининг 2021 йил 14 июнь кунги қарорига асосан Нурафшон МФЙ номини “Қудашобод” номига ўзгартирилсин.

7. Юқоридаги бўлиш йўли билан ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига берилаётган номлар юзасидан Географик объектларга ном бериш ва уларни номини ўзгартириш бўйича Фарғона вилояти ҳамда туман комиссиялари томонидан ижобий хулосалар берилганлиги инобатга олинсин;

8. Туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (М.Камолова) янги ташкил этилган “Тараққиёт”, “Даштхасан”, “Бешкапа” ва “Сулаймон” маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажарилишига кўмаклашсин;

9. Туман ички ишлар бўлими (Б.Наджмитдинов), Давлат солиқ инспекцияси (У.Фозилов), туман Статистика бўлими (О.Абдуллаев), туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Рўзиматов)га:

- маҳаллаларни бўлиниши муносабати билан тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларнинг фуқаролик паспортларига, солиқ, статистика ҳисоботлари ва бошқа тегишли идоравий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, қўшимча штат бирликларини ажратиш ва молиялаштириш масалаларини ҳал этиш вазифалари топширилсин;

10. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К.Шерматов), туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши, газетанинг навбатдаги сонидида чоп этиш ва ҳокимлик расмий веб сайтга жойлаштирилишини таъминлансин;

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман Кенгашининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси, ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М. Камолова зиммасига юклатилсин.

Туман hokimi



Ш.Юлдашев